

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛК ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**А.ҚОДИРИЙ НОМЛИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**СПОРТ ФАНЛАРИ УСЛУБИЯТИ КАФЕДРАСИ**

**“Кўл тўпи ўйинининг келиб чиқиш тарихи ва техникаси”**

**мавзусида бажарилган**

# **РЕФЕРАТ**

**Бажарувчи: 201-гурух толиби Қудратов Д  
Қабул қилди: к/ўқитувчи Т.Миразимов**

**Жиззах-2012 йил**

Кул тупи уйининг келиб чикиш тарихи ва техникаси

Режа:

1. Кул тупи уйинининг келиб чикиш тарихи
2. Кул тупи мусобакаси коидалари
3. Кул тупи майдонининг хажми.

## КИРИШ

Даниялик ўқитувчи Холгер Нилсон янги спорт ўйини "Хандбол"ни яратганига юз йилдан кўп бўлди. Ўйиннинг номи инглизча сўз бўлиб, у „ганд" — қўл ва „бол" — тўп деган маънони англатади. Дастлаб бу ўйин билан қизлар, кейинчалик ўғил болалар ҳам шуғуллана бошладилар. Бу ўйин бошланган дақиқаларданоқ ҳар бир ўйинчи фаол ва тўлақонли иштирокчи бўлиб қолади. Гап шундаки, гандболдаги ҳар бир ҳаракат инсон болалигидан бошлаб ўрганадиган ҳаракатларга жуда яқин, яъни юриш, югуриш, сакраш, улоқтиришлар шулар жумласидандир. Туп учун кураш, ўйинчининг ўрни, натижа учун интилиш қўшимча ҳаракатлар ҳисобланади.

Гандбол билан шуғулланиш тезлик, кучлилик, чаққонлик, шижаотлилик қаби хислатларни тарбиялайди, билимни ошириб, кўникмалар ҳосил қиласди. Ўйинда ҳар бир иштирокчининг ҳар жиҳатдан ўз қобилиятини кўрсата олиш имконияти бор.

Гандбол жамоа ўйини бўлганлиги сабабли ўйинчилар ўз хатти-ҳаракатларини жамоа манфаатига бўйсундиришлари лозим. Шу боис ўйинчилар бу ўйинга ўзларини тўла бағишлишлари керак. Ўйинда факат жисмоний сифатлар эмас, балки онглилик, фаоллик, интизомлилик, мақсадга интилиш, ўзини тутиш, ҳиссиётларни жиловлай олиш қаби хислатлар ҳам тарбияланади. Шу билан бирга, ўйинчидаги кузатувчанлик, эътиборлилик, ижодий тафаккур қаби хислатлар шаклланади.

Шулардан келиб чиқиб, гандбол ўйинининг моҳияти ҳақида шуларни айтиш мумкин. Ўйиндан мақсад, белгиланган қоидаларга риоя қилиб, рақиб дарвозасига кўпроқ тўп киритиш ва ўз дарвозасидан камроқ тўп ўтказишdir. Ўйинда кўп тўп урган жамоа ғалаба қиласди. Майдонда ҳар икки жамоадан еттитадан ўйинчи (бир дарвозабон ва 6 майдон ўйинчиси) қатнашади. Ўйинчилар майдонда ҳадеб алмаштирилавермайди.

Жамоадан беш ўйинчи иштирок этаётган бўлса ҳам ўйин бошланаверади. Майдондан ўйинчи чиқариб юборилганда ҳам ўйин тўхтатилмайди. Дарвозабон ўйинчилар билан алмаштирилмайди, мабодо, дарвозабон ўйиндан чиқса, унда ўйинчилар уни алмаштиришлари мумкин. Ўйин 15 дақиқадан 2 тайм давом этади (орада 10 дақиқа танаффус бўлиб ўтади ва дарвозалар алмашилади). Гандбол ўйини ҳар қандай тўп, ҳар қандай майдон ва ҳатто кўча майдонларида ҳам ўйналаверади. Фақат майдон чизигѓида 2x3м ҳажмдаги дарвоза белгиланса кифоя. Ўйин майдонини тайёрлаш унчалик қийин эмас. Дарвоза олдида 6 метрли ярим доира, тўп айнан шу жойдан урилади ва майдонни иккига бўлиб турувчи ўрта чизик белгиланади.

Гандбол ўйини машғулотларида қуйидаги қоидаларга амал қилинади:

1. Аввало ҳар бир ўйинчи организмини машғулотга тайёрлаш учун тайёргарлик машқларини бажаради. Тайёргарлик кўришда дастлаб секин, сўнгра йўналишларни ўзгартириб—тез олдинга, орқага, бурилиб, оёқдан оёққа сакраб югурилади.

2. Тўпни бир жойда туриб ва ҳаракатда бир-бирига узатилади, дарвозага уриш машқи бажарилади.
3. Майдонда интизом ва тартибга риоя қилиниши лозим.
4. Ўйин пайтида бақир-чақир қилинмайди.
5. Ўйин пайтида ўйинчилар тўқнашиб кетишининг олди олиниши керак.
6. Гандбол ўйнига енгил, юмшоқ, қулай поябзал кийган маъқул.

Туриш, силжиш, тўхташ. Ўйинчи ҳар қандай спорт турида қатнашар экан, у бирор усулни бажаришдан аввал дастлабки ҳолатини эгаллади. Гандболчининг асосий ҳолати ҳимоя ва ҳужумда туришдан иборат.

Ҳимоячи ва дарвозабоннинг туриш ҳолати бир-бирига ўхшаш бўлади. Бунда ўйинчи оёқларини кенгроқ қўйиб, тиззаларини бироз буккан ҳолда туради, оёқ учлари бир чизиқда жойлашади, қўллари тирсакдан озгина букилган, кафтлар олдинга қараган бўлади. Бундай ҳолат ўйинчига мустаҳкам туришига, эркин силжишига, фақат ҳимояга эмас, балки ҳужумга ҳам тайёр эканлигидан далолат беради (47-расм).

Ҳужумчининг ҳолати ҳимоячиникига бироз ўхшайди, қўллар тирсакдан букилган, у кўкрак баробар туради. Оёқ-лар бироз букилган, биттаси олдинда, елкалар олдинга чиқсан бўлади (48-расм). Оёқни ортиқча (40—50 см дан) кенг қўйиб юбориш ҳам ярамайди.

Ўйин пайтида ўйинчи турли ҳаракатларни: силжиш, қадамлаш, югуриш, тез юриш, сакраб юриш ва бошқаларни бажаради. Рақибни алдаш, шерик билан қулай вазият танлаш учун тўхтайди. Тўхташ икки қадам қўйиш ёки сакраш билан бажарилади. Оёқлар букилади, гавда ҳаракат йўналишининг қарши томонига эгилади.

Тўпни бир жойда ва ҳаракатда икки қўллаб тутиб олиш ва узатиш. Ўйин давомида ўйинчи тўпни бир неча бор икки ёки бир қўллаб ушлашига тўғғри келади. Тўпни жойда туриб илиб олишда панжалар очик бўлади. Бош бармоқлар деярли бирлашади, бошқа бармоқлар тўпдан каттароқ бўлган воронка шаклини ҳосил қиласди. Тўп қўлларни ҳаракатга келтириб, кўкрак олдидан, кафтларни силтаб узатилади (49-расм).

Ҳаракатда тўпни илиб олиш жойда туриб тутиб олишга ўхшайди. Ўйинчининг қўллари кўкрак олдидан туради. Тўпни қадамлаб ёки сакраб тутиб олади. Тез учиб келаётган тўпнинг тезлигини пасайтириш учун қўллар олдинга чўзилади. Юқоридан учиб келаётган тўпни тутиш учун олдинга—юқорига сакралади, пастдан келаётган тўпни тутиш учун қўллар туширилади ва кафтлар кенг очилади. Думалаётган тўпни тутиб олиш учун ўйинчи унинг қаршиисига чиқади, эгилади ва тўпга яқин қўли билан уни тутиб олади.

Тўпни олиб юриш. Баскетбол ўйинидан кириб келган бу усул ёрдамчи усул ҳисобланади. Тўпни қаршида рақиб бўлмагандан ерга уриб олиб юрилади. Тўп олиб юришдан яна рақиб томондан ўз жамоаси зонасига қайтишда фойдаланилади. Тўпни ерга урганда унинг сакраш баландлиги белдан ошмаслиги лозим (50-расм).

Тўпни ерга уриб юриш машқига ҳар бир машғулотда доимо 2—3 дақиқа вақт ажратилиши керак.

Тўпни отиш. Тўпни отиш уни шерикка узатишдан унчалик

фарқланмайди. Фарқи шундаки, тўп кескин куч тезлиги билан отилади. Тўп турли ҳолатлардан: юқоридан, пастдан, ёндан, бошдан, орқадан отилади (51-расм).

Жойдан туриб тўп отиш етти метрли жарима тўпи уриш, тўққиз метрдан эркин зарба бериш, турли масофалардан тўпни ўйинга киритиш кутилмаганда бажарилади.

Ҳаракат пайтида тўп отиш. Жойда туриб тўп отиш яхши ўзлаштириб олинса, уни ҳаракат пайтида (1,2,3 қадамда) отишни эгаллаш унча қийин эмас. Тўпни катта тезликда тирсакдан эгилган қўл билан тўхтаб, тайёргарлик кўрмай отиш мумкин. Тўпни отиш чоғида ўйинчи оғғирлик марказини олдинги оёғига ўтказади, бу эса отиш кучини оширади (52-расм).

Тирсакдан букилган қўл билан ёндан ва елка баробаридан тўп отиш. Бу узоққа отиш лозим бўлганда қўлланиладиган усулдир. Отиш ўткир бурчак остида тўп отувчининг бел қисми баландлигига икки ҳолатдан бажарилади Биринчи ҳолатда у тизза баробарида, иккинчи ҳолат эса елка баробарида ва ундан пастроқда бажарилади.

Тўғри қўл билан пастдан отишни ўйинчи ҳар қандай ҳолатда ҳам бажара олади. Уни бажариш эса эгилган қўл билан пастдан отишга ўхшаб кетади.

Тўғри қўл билан юқоридан отиш югуриб ва сакраб туриб бажарилади. Бунинг учун учиб келаётган тўп қабул қилиниб дарҳол ўз шеригига улоқтиради

Тўпни дарвозага орқа қилиб туриб,  $180^{\circ}$  га бурилиб отиш ҳам мумкин. Тўғри қўл билан ёндан отиш. Бу усул билан отиш қўл эгилмаган ҳолда кафтнинг қатъий силтов ҳаракати билан бажарилади.

Қўйидаги ҳолатларда тўп эгалланади, юлиб олиб қўйилади, уриб чиқарилади:

- а) тўп оширилаётган пайтда уни эгаллаб олиш, ҳимоячи позитсияни қай даражада муваффақиятли эгаллаганига бояғлиқ;
- б) ҳужумчилар узатган тўпни эгаллаб олиш, у тўп учиб келаётган пайтида унга сакраш маҳоратига бояғлиқ;
- д) ҳужумчилар отган бурчак тўпини ва узоқдан ўз шеригига отган тўпни юқорига сакраб тутиб олиш, бу эса ҳимоячининг эгаллаган позитсиясига бояғлиқ;
- е) ҳужумчидан тўпни олиб қўйиш қўпроқ ҳимоячига бояғлиқ;
- ф) рақиб тўпни олиб юрганда, узатганда ёки дарвозага урмоқчи бўлганда олиб қўйиш, бу ҳимоячи тўпнинг йўналишини тўғри белгилашига ва қўли билан унинг йўналишини қай даражада муваффақиятли тўсишига бояғлиқ;
- г) рақибни таъқиб қилиб, қўлидан тўпни олиб қўйиши ҳимоячининг уни олдига ёки ён томонига моҳирлик билан ўтишига бояғлиқ (бунда рақибнинг қўлига тегиши мумкин эмас);
- х) чалғитмоқчи бўлган рақиб ҳужумчидан тўпни олиб қўйиши, ҳимоячи рақиб ўйинчининг алдамоқчи бўлаётганини сезиб қолиши билан боғлиқ. Рақиб тўпни ерга уриш чоғида ёки узатганда эгаллаб олиши мумкин;
- и) ҳужумчи тўпни дарвозага отиш пайтида ҳимоячи тўпни ҳужумчи қўлидан

уриб чиқариб юборишга ҳаракат қилади. Тез ҳаракат чоғида тўпни уриб чиқариб юбориш қийинроқ. Бунинг учун ҳимоячи бироз орқароқда ва ён томонда туриши зарур, ҳимоячи билан бир пайтда олдинга—юқорига сакрайди. Бу ўринда дарвозага тўп кириши, ҳимоячининг панжалари билан тўпни қай даража тўсиб қолишига бօғғлик.

Демак, дарвозага отилган тўпларни тўсиб қолиш, дарвозани тўпдан қўриклиш факат дарвозабоннинг эмас, балки ҳимоячининг ҳам ишидир. Ҳимоячи панжалари ёйилган қўлини тўп учиб келиши мумкин бўлган йўналишга тутади. Тўсиш доим икки қўллаб бажарилади. Факат ёндан келаётган тўп бир қўл билан тўсилади. Дарвозага урилаётган тўпни тўсишнинг асосий усувлари қўйидагича: юқорига кўтарилиган қўллар билан сакраш, учиб келаётган тўпларни тўсиш учун турли томонларга эгилиш, тўпни оёқ билан тўсиш ва бошқалар.

Юқоридан учиб келаётган тўпни тўсиш жойда туриб қўлларни юқорига кўтартган ҳолда ёки ёндан бажарилади. Агар тўп баландроқдан учиб келаётган бўлса, унинг йўлини кафт билан тўсиш учун баландга сакраш лозим. Тўпни юмшоқроқ қабул қилиш учун панжалар ёйилади.

Ердан 70—170 см баландликда келаётган тўпни тўсиш. Агар тўп ён томонга йўналган бўлса, унга яқин қўл кафти очилади, иккала қўлни тўпнинг йўналишига қўйилади.

Ердан 40—50 см баландликда учиб келаётган тўпни тўсиш. Бунинг учун ҳимоячи тўпнинг йўналиши томон одимлайди ва уни қўлларни олдинга чўзган ҳолда тўсади. Агар тўп ҳимоячининг ўнг ёки чап томонидан ўтиб кетилаётган бўлса, олдинга энгашиш зарур.

Тўпни оёқ билан тўсиш. Ҳимоячи бу усулдан тўп жуда пастдан учиб келаётганда уни тўсишга улгурмагандан фойдаланади. Ҳимоячи оёғини олдинга чўзиб пастга эгилади. Тўпни оёқ билан тўсиш қоидада ман этилган, лекин шароит тақозо қилса, қўллаш мумкин. Бунда тўсишга йўналтирилган оёқ билан бир вақтда қўл ҳам ўша томонга узатилади. Ер ёқалаб учиб келаётган ёки ерга урилган тўпни яrim ўтириб тўсиш мумкин.

Дарвозабоннинг ўйинлари. Ўйин пайтида дарвозабон рақиб билан кўп марта рўбарў келади. Унга жуда катта жисмоний ва руҳий юқ (нагрузка) тушади. У тўпни доимий назорат қила туриб, майдондаги ҳолатни таҳлил қилади ва бағзида ўйинчиларга тегишли кўрсатмалар беради. Ўйин давомида 40—50 марта кучли зарбларни қайтаришига тўғри келади.

Дарвозабон идрокли, чаққон, ҳаракатчан, кузатувчан, қўрқмас, вазиятни тўғри баҳолай оладиган ва шу каби хислатларга эга бўлиши зарур. Дарвозабон кучли урилмаган тўпларни икки қўллаб тутади. Дарвозабон ёндан келаётган тўпга ҳам иккала қўлини чўзади. Бир қўл билан тўсилса ҳам бўлади. Асосий ҳолатда турган дарвозабон қўлини тўп учиб келаётган томонга узатади ва ўша томонга эгилади

Дарвозанинг пастки бурчагига йўналтирилган тўпни дарвозабон оёғи билан тўсади, шу билан бирга, ҳар эҳтимолга қарши қўлини ҳам ўша томонга чўзади Юқоридаги усувлардан ташқари, тўпни йиқилиб туриб тўсиш ҳам мумкин. Футболдаги бу усул дарвозанинг бир томонидан иккинчи томонига

учиб келаётган тўпни тутишда қўлланилади. Бу тўпдан узокда турган оёқ билан силтаниш орқали бажарилади. Тўп бир қўл билан қайтарилади. Йиқилиб туриб тўп тутиш тавсия этилмайди, уни албатта қайтариш керак. Йиқилиш лозим бўлса, думалаш усулини қўллаш зарур.

Дарвозабоннинг хужум қилаётган рақибга қарши чиқиши. Бу усул техник жиҳатдан тайёр бўлишдан ташқари, довюракликни ҳам талаб қиласди. Дарвозабон турган жойидан тўп билан келаётган ўйинчи томон бир неча қадам ташлайди. Дарвозабон гавдасини олдинга эгиб, қўлларини тўлиқ очади. Бир оёқ иккинчисидан 30—40 см га олинади, бундай чиқиш дарвозага тўп киритиш эҳтимолини камайтиради.

Дарвозабон тўпни тутиш ёки ёриб киравчини тўхтатиш учун ўз майдонидан ташқарига чиқади, шунда дарвозабон ўйинчига айланади. Шу боис ҳам у ўйинчининг малакасини эгаллаган бўлиши керак.

Ўйин давомида дарвозабон тўпни бир неча марта ўйинга киритади. Бунда тўп ошириш турлича бўлиши мумкин, яъни қисқа масофада турганда шерикка ошириш ёки 20—25 м га улоқтириш. Бунинг учун дарвозабон тўпни турган жойидан ёки югуриб келиб ўйинга киритишни билиши керак.

## ГАНДБОЛ МУСОБАҚАСИ ҚОИДАЛАРИ

Ҳакам ўйин олдидан жамоа сардорларини чақириб, ўртага қуръа ташлайди. Қуръада ютган ўйинни бошлайди ва майдоннинг хоҳлаган томонини эгаллайди.

Ҳакамнинг ҳуштак чалиши билан майдон марказидан тўпни хоҳлаган томонга ташлаш билан ўйин бошланади. Дарвозага тўп киритилгач, ўйин яна майдон марказидан тўп қўйиб юборган жамоа томонидан бошланади.

Тўп шерикларга бир ёки икки қўллаб оширилади. Тўпни қўлнинг барча қисми билан ошириш ёки тутиш мумкин. Ўйинчи тўп билан уч қадамдан ортиқ юрмайди, у тўпни икки қўлда ё шеригига ошириши ёки зарб бериши лозим. Тўпни иккинчи марта олиб юриш ман этилади. Тўпни қўлда З сониядан ортиқ ушлаб турилмайди. Тўп агар рақибда бўлса, эҳтиёт роқ бўлиш лозим. Рақиб тўпни бир қўлда тутиб турган бўлса, уриб чиқариб юбориш мумкин, икки қўлида бўлса, уриб юбориш мумкин эмас.

Ўйин қоидаси бузилса, тўп бошқа жамоага берилади ва ўйин эркин тўп ташлаш билан бошланади. Эркин тўп эркин зонадан ташқарида, ҳакамнинг ҳуштак чалихисиз ташла-нади. Бунда хужум қилаётган жамоа ўйинчилари зонадан ташқарида бўлишлари керак.

Агар ўйин пайтида тўпни икки ўйинчи ушлаб қолса, тортишув тўпи белгиланади. Ҳар иккала жамоа ўйинчиси тўпдан 3 метр узоқлашиши зарур, шунда у тўп ерга уриб ўйинга киритилади. Ҳар иккала жамоа ўйинчилари бир пайтда хато қиласа ёки бирор сабабга кура ўйин тўхтатилганда ҳам тортишув тўпи белгиланади.

Агар тўп майдон чизигидан чиқиб кетган бўлса, ўйинчи оёқни ердан узмай (чизиқ ортида) бир ёки икки қўли билан тўпни ўйинга киритиши

мумкин.

Тўпни ўйинга киритаётган ўйинчига 3 метргача яқинлашиш мумкин эмас. Дарвозага зарба берилаётган пайтда чизиқни босиш ёки дарвоза майдонига кириш ман қилинади. Тўп улоқтирилгач, чизикдан ўтилса хато ҳисобланмайди.

Дарвоза майдонида фақат дарвозабон ҳаракатланади. У тўпни ҳар қандай усул билан (қўл, оёқ, тиззалар ва бош билан ҳам) тўхтатиш ҳукуқига эга. Тўпни дарвоза майдонида узатиш мумкин эмас. Агар ҳимоячи тўпни ўз дарвозабонига узатса-ю, тўп дарвоза томон ўтиб кетса ва уни яна тўхтатиб қолса, 7 метрли жарима тўпи белгиланади.

Айтиб ўтганимиздек, қўл тўпи фақат қўллар билан ўйналади. Агар ўйинчи уни оёғи билан тепса, ҳакам унга эркин тўп ташлаш билан жарима белгилайди. Вақтни чўзиш учун атай оёқ билан ўйнаган ўйинчи майдондан чиқариб юборилади. Дарвоза майдонида турган ёки думалаётган тўпни олиш мумкин эмас.

Ўйинчини тўп билан қўрқитиш мумкин эмас, бунинг учун у майдондан чиқарилади. Рақиб тўпни дарвозага ташлаётганда, унинг қўлини ушлашга ҳаракат қилган ўйинчи етти метрлик жарима тўпи билан жазоланади. Ҳужумчини туртиш, майка ёки турсигидан тортиб қолиш, ўз дарвоза майдонига ҳимовя учун кириш

Майдондаги тўпни ўз дарвоза майдонига олиб кириш мумкин эмас (бунинг учун 7 метрли жарима берилади). Агар тўп ҳимоячи сабабли майдон ташқарисига чиқиб кетса, бурчак тўпи белгиланади. У ён ва дарвоза чизиклари кесишган жойдан берилади. Тўп ҳакам ҳуштак чалганидан кейин отилади. Бурчак тўпи дарвозага кириб кетса, ҳисобланади.

Дарвозабон ҳам гол уриши мумкин. У ўз дарвоза майдонидан тўпни рақиб дарвозасига йўналтириб уриши мумкин. Дарвозабон майдонга чиқиб, қўшимча ўйинчи бўлиб қола олади, аммо у марказий чизиқдан ўтса, жамоадан тўп олиб қўйилади. Дарвозабон ўз майдонидан тўп билан чиқса, майдон чизигғи ташқарисидаги тўпни тутиб олса, хатога йўл қўйган бўлиб ҳисобланади ва 9 метрли жарима берилади. Тўпни уришга тайёрланаётган ўйинчи туртилса ёки унга халал берилса, 7 метрли жарима тўпи белгиланади ёки ўйинчи майдондан чиқарилади. Майдондан чиқарилган дарвозабоннинг ўрнини захирадаги ўйинчи эгаллайди, лекин майдондаги бир ўйинчи чиқарилиб юборилади.

Гандболда эркин тўп, етти метрли жарима ва айбордур ўйинчини вақтинча майдондан чиқариб юбориш каби уч хил жазо тури бор. Кичикроқ қоида бузиш юз берганда шу жойнинг ўзида эркин тўп белгиланади. Қўпол хато учун ўйинчи 3 дан 5 дақиқагача ёки ўйин охиригача алмаштиришсиз ўйиндан четлатилади. Бунда жамоа камчилик бўлиб ўйнайверади. Агар ҳужумчи гол уриши мумкин бўлган ҳолатда ҳимоячи қоидани бузса, дарвоза томон 7 метрли жарима белгиланади. Баъзан ҳам жарима тўпи белгиланади, ҳам ўйинчи майдондан чиқарилади.

Тўққиз метрдан жарима тўпи. Бундай вақтда рақибнинг жамоа аъзолари 9 метрли чизикдан ортда турадилар. Ҳимояланаётган жамоа

аъзолари ўз дарвозабонига орқа ўгириб турадилар. Зарба ҳакамнинг хуштак чалишисиз берилади (тўп дарвозага тўғридан тўғри урилмай, уни ўзаро ошириш билан ҳам уриш мумкин).

Гандболда етти метрлик жарима тўпи энг юқори жазо ҳисобланади. Уни дарвозабондан ташқари ҳар қандай ўйинчи амалга ошириши мумкин. Зарба чоғида барча ўйинчилар 9 метрли чизиқдан ташқарида турадилар. Зарба бераётганда 7 метрли чизиқни босиш, таянч оёқни ердан узиш мумкин емас. Коида бузилиб киритилган гол ҳисобга олинмайди ва ўша жойдан эркин тўп белгиланади. 7 метрли жарима тўпи берилиш пайтида дарвозабон дарвозадан 3 метрдан ортиқ чиқиши мумкин эмас.

Ҳар бир жамоа ҳужум пайтида тўпни 45 сониядан ортиқ ушламаслиги керак. Агар бу қоида бузилса, ҳакам тўпни рақиб жамоага олиб беради.

Жамоанинг кийими—майка, трусиқ бир рангда бўлиши лозим. Майкага рақам тикиб қўйилади. Оёққа пайпоқ ва резинали юмшоқ поябзал кийилади. Дарвозабон кийими бошқа ўйинчилар кийимидан ажралиб туради. Ўйинга жароҳат етказиш мумкин бўлган нарсалар: соат, занжир, тақинчоқлар билан чиқиш тақиқланади. Ўйинчининг ташқи кўриниши ёқимли бўлиши шарт.

Гандбол майдони 20x40м (мини гандболда 9x18 м дан 12x24 м гача) бўлади. Дарвозанинг ҳажми (мини гандболда 180x270мм) 2x3 метрли бўлади. Дарвоза икки хил ранг, оқ ва қора (ёки қизил ва ҳаворанг) га бўялади. Дарвоза майдони 6 метрли (яхлит чизиқ билан белгиланади), эркин тўп уриш чизиги 9 метр қилиб белгиланади (жарима тўпи 7 метрдан урилади). У дарвоза тўғрисида 6 м ли чизиқдан 1 метр нарида жойлашади. Қизларнинг тўпи енгилроқ (250—280 э), болаларники 424—475 г бўлади.

## А Д А Б И Ё Т Л А Р

- 1.Правила соревнований по баскетболу, волейболу, футболу, ручному мячу, бадминтону, уоккею, настольному теннису, теннису-М,(последнее издание).
2. Программа для ДЮСШ по баскетболу, волейболу, ручному мячу, футболу-М,( последнее издание)
- 3.Программа срдней школы. Физическая культура для учащихся 4-10 классов и школьников, отнесенные по состоянию здоровья к специальной медецинской группе.
5. Гзовский Б.М. Кудряшов В.А. Студенческий баскетбол Минск,1973 год.
- 6.Голомазов В.А. Ковалев В.Д. Мельников А.Г. Волейбол в школе- М, 1976 год.
7. Зинин А.М. Детский баскетбол. – М., 1969 год
8. Ивайлов А.В. Волейбол. Минск, 1974 год
9. Исаев А.К., Лукашин Ю.С.Футбол – М., 1967 год
10. Подготовка молодого футболиста. Под ред. Я.Полфан. – М., 1973-год
11. Спортивные игры. Под ред. В.Н.Кудряшова - Минск, 1968 год
12. Спортивные игры. Под ред. Ю.И.Портных. – М., 1975 год
13. Тренировка гандболиста. Сост. Н.П.Клисов. – М., 1975-год
14. Клусов Н.Г., Цуркан А.А.Гандбол. М., 1977 год.
15. Уроки физической культуры в IV-VI Кл. под. Ред. П.Богданова – М., 1978 год
16. Клусов Н.П.Ручной мяч в школе. – М., 1978 год.
17. Тарасов А.В. Тренировочные упражнения уоккеистов. – М., 1959 год